

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Son 2. Jild 4.

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 2(4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холиқулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолiddиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудир;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

МУНДАРИЖА**07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ***Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна*ЎЗБЕК ВА ТОЖИК АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИДА ЭТНОМАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АКС
ЭТИШИ (СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА) 10-15*Umarov Sardor Yakubovich*QAYTA BIRLASHGAN GERMANIYADA MEHNAT BOZORINI ISLOH QILISH, AHOLI BANDLIGI,
DEMOGRAFIK O'ZGARISHLAR 16-20**08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ***Shadiyeva Gulnora Mardiyevna*O'ZBEKISTONDA EKSPORTNING OSHISHINING IQTISODIY O'SISHGA TA'SIR ETISH
YO'LLARI..... 21-29*Xalilidinov Azizbek Abduqaxhorovich*КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
БОШҚАРИШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР 30-34*Mavlyanov Majid, Urdushov Hamrakul*

КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ: ЧОРВАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ 35-45

*Asrorov Azizbek Isomiddin ugli*ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПРИРОДА РИСКОВ, ВОЗНИКАЮЩИХ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ 46-52*Xaydarova Durdona Shuxratjon qizi, Achilboyeva Sevinch O'tkir qizi*

МАНАЛЛИЙ БУДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ HISOBI TASHKIL ETISHNING NAZARIY JIHATLARI. 53-60

*Kamalov Akmal Saydakbarovich*ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЭҲТИМОЛЛИГИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ
УСЛУБИЯТИ ИШЛАБ ЧИҚИШ 61-68*Namazov Gafur Shokulovich*

ИҚТИСОДИЙОТДА ГИБРИД МОДЕЛЛАРИНИ ҚО'ЛЛАШ 69-75

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*

YANGI O'ZBEKISTONDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING TIZIMLI O'ZGARISHI 76-81

Kadirova Ziyoda Rahimdjanovna

ISLOM FALSAFASIDA ILM TUSHUNCHASINING MOHIYATI 82-86

Turdiyev Bexruz Sobirovich

JAMIYAT IDEOSFERASINING IJTIMOY-FALSAFIY TAHLILI 87-92

Alimatova Nargis Abduxalilovna

KONSTITUTSIYADA HALOL RAQOBAT KAFOLATI 93-98

Abdullayev Ibodulla Abdullayevich, Mustafoyeva Feruza Xurshid qizi

МА'НАВИЯТ – YANGI O'ZBEKISTON TARAQQIYOTINING MUHIM POYDEVORIDIR..... 99-103

<i>Кувандиков Шокир Облокулович</i> МАҲМУДХҲҲЖА БЕҲБУДИЙ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ МАНБАЛАРИ	104-111
<i>Yusupaliyev Orzimurod Odilovich</i> YOSHLAR MAFKURAVIY ONGI TRANSFORMATSIYALASHUVINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI: MUAMMO VA YECHIMLAR	112-119
<i>Eshonqulov Laziz Norqobul o'g'li</i> BADIIY MUHITDA TANQIDIYLIK VA SATIRANING TABIIY KOMMUNIKATSIYASI	120-125
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Saitova Nilufar Djumaydillayevna</i> YOSH O'ZBEK SHOIRLARI: VOQELIKNI IDROK ETISH VA UNI BADIIY IFODALASH TENDENSIYALARI	126-130
<i>Nurmanov Furqat Hayitqulovich</i> O'G'UZ" ETNONIMI VA O'G'UZLAR	131-137
<i>Qudratova Sitora Olimovna</i> AQSH HIKOYACHILIGI TARIXI VA SPETSIFIKASINING BADIIY IFODASI HAMDA JANR IJODKORLARI.....	138-148
<i>Fayziyeva Aziza Anvarovna, Safarova Nigora Axatovna</i> METAFORALARNING O'ZBEKCHA TARJIMASIGA KOGNITIV YONDASHUV	149-153
<i>Qodirova Madinabonu Murodjon qizi</i> LINGVISTIK TA'MINOT VOSITALARI: TUZILISHI VA TARKIBI	154-159
<i>Аллабердиева Регина, Мадалов Навруз</i> ТАКСОНОМИЯ ГЕНДЕРНО-МАРКИРОВАННЫХ ПАРЕМИЙ - РЕГУЛЯТИВОВ АНГЛИЙСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ	160-165
<i>Azimova Aziza Alisher qizi</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KONCHILIK LEKSIK BIRLIKLARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSUYATLARI	166-172
<i>Shoymardonov Ilhom Alixonovich</i> BAHOR, YOZ, KUZ MAVSUMLARI BILAN BOG'LIQ BOLALAR QO'SHIQLARI	173-178
<i>Raxmatova Dilafruz Nusratilloevna</i> SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI....	179-184
<i>Mirzayev Jasur, Madalov Navruz</i> THE DIALOGIC NATURE OF PERSONIFICATION IN THE POETICS OF WILLIAM BLAKE.....	185-190
<i>Yuan Xiaowei</i> ON THE TITLE AND LEXICAL FEATURES OF THE WINTER OLYMPICS NEWS REPORT IN CHINA DAILY	191-197
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Ражабов Нариман Шарифбаевич</i> НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОБРОВОЛЬНОЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СЕРТИФИКАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	198-206
<i>Yakubova Iroda Bahramovna</i> MULKIY HUQUQLARNI JAMOAVIY ASOSDA BOSHQARUVCHI TASHKILOTLAR VA MUALLIFLIK	

HUQUQI OBYEKTLARIDAN FOYDALANUVCHI SHAXSLAR O'RTASIDAGI SHARTNOMALAR TASNIFI.....	207-212
<i>Inoyatov Behruzjon Umidjon o'g'li</i> TOVAR BELGILARINING HUQUQIY JIHATDAN MUHOFAZA QILISHNI TARTIBGA SOLUVCHI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI.....	213-220
<i>Raimova Shohsanam Fayratjonovna</i> РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.....	221-227
<i>Mukimov Bobur</i> CURRENT ISSUES OF IMPROVING THE PROTECTION OF INTELLECTUAL PROPERTY AT THE INTERNATIONAL LEVEL.....	228-234
<i>Нодирахон Абдурахманова</i> ВЛИЯНИЕ ТЕХНОЛОГИИ БЛОКЧЕЙН, СМАРТ-КОНТРАКТОВ И КРИПТОВАЛЮТ НА РАЗВИТИЕ ПРАВА.....	235-239
<i>Акмалхонов Боситхон Азизхон ўғли</i> ЗАЩИТА ПРАВА ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В ПРАКТИКЕ ЕВРОПЕЙСКОГО СУДА ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА.....	240-246
<i>Turakulova Nazira</i> MUALLIFLIK HUQUQIDA MULKIY HUQUQLARNI JAMOVIIY BOSHQARISH.....	247-260
<i>Якубов Бекзод Эркинбаевич</i> КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ҲОЛЛАРДА ТЕЗКОР – ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	261-265
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Мамажонов Хошимжон Абдумаликович</i> ФИЗИКА ФАНИНИ ИЈОДИЙ О'ЗЛАСHTIRISH YO'LLARI (АКАДЕМИК ЛИТСЕYLAR MISOLIDA).....	266-271
<i>Tkacheva Anastasiya Aleksandrovna</i> O'ZBEKISTON OLIY O'QUV YURLARIDA ISPAN TILI BO'YICHA IJTIMOIIY-MADANIY KOMPETENTLIKNI O'QITISH STRATEGIYASINI ISHLAB CHIQISH.....	272-281
<i>Haqberdiyev Baxtiyor Rustamovich</i> TASVIRIIY SAN'AT VA MUHANDISLIK GRAFIKASI FANLARINI BOSHQA FANLAR BILAN INTEGRATSIYASI.....	282-287
<i>Jumayev Xushboq Soatmumin o'g'li</i> KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHILAR XOTIRASINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI.....	288-291
<i>Omonqulov Ulug'bek Maxsiddin o'g'li</i> IQTIDORLI O'QUVCHILAR BILAN ISHLASH METODIKASI.....	292-296
<i>Jumaboev Nabi Pardaboevich</i> THE NEED TO USE AESTHETIC VIEWS OF EASTERN THINKERS IN THE EDUCATIONAL SYSTEM.....	297-304
<i>Kayumov Erkin Kazakbayevich</i> TASVIRIIY SAN'ATNING O'QUVCHILAR IDROKI VA IJODKORLIGINI SHAKLLANTIRISHDAGI ROLI.....	305-310

Yusupova Feruza Hajiboyevna, Gaipova Nilufar Jasurbekovna

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNING EKOLOGIK TA'LIM BERISHDA GRAFIK

ORGANAYZERLARNING ROLI 311-317

Karshiboyeva Dilafruz Boxodirovna

SOMONIYLAR DAVRI SAN'ATI VA UNING JAHON TARIXIDAGI ROLI..... 318-322

Якубов Бекзод Эркинбаевич
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузиридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ҲОЛЛАРДА ТЕЗКОР – ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада тезкор - қидирув фаолиятининг мақсади, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тезкор – қидирув тадбирларини ўтказиш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритилиб, тезкор – қидирув тадбирларини ўтказиш натижасида тўпланган далилларнинг мақбул ёки номақбул деб топилиши асослари таҳлил этилган. Унда тезкор-қидирув органи раҳбарининг тезкор – қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги қарорининг прокурор билан албатта келишилиши лозимлиги билан боғлиқ масала чуқур таҳлил этилиб, таҳлил натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунини тегишли билан тўлдириш лозимлиги юзасидан таклиф берилган.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув тадбирлари, текшириш учун харид қилиш, тезкор кузатув, тезкор киритиш, ниқобланган операция, тезкор эксперимент, назорат остида етказиб бериш, назорат остида олиш.

Yakubov Bekzod Erkinovich
Student Higher School of Judges under the Supreme Judicial
Council of the Republic of Uzbekistan

THE PROCEDURE FOR CONDUCTING OPERATIONAL SEARCH ACTIVITIES IN CASES THAT CANNOT BE DELAYED AND ITS LEGAL BASIS

Abstract. This article discusses about the purpose of conducting operational search activities, the procedure for conducting operational search activities in cases that cannot be delayed, and its legal basis, and also analyzes the grounds for recognizing evidence collected as a result of operational search activities as acceptable or unacceptable. It considered in detail the issue of the need to coordinate with the prosecutor the resolution of the head of the investigative body on the conduct of an investigative action, and as a result of the analysis, a proposal was made to supplement the Law of the Republic of Uzbekistan "On operational search activities."

Key words: operational search activity, purchase to check, fast-tracking, fast entry, undercover operation, fast experiment, controlled delivery, controlled receipt

Якубов Бекзод Эркинбаевич
Слушатель Высшая школа судей при высшем
судейском совете Республики Узбекистан

В СЛУЧАЯХ ОТСУТСТВИЯ ПРОСРОЧКИ ПОРЯДОК ПРОВЕДЕНИЯ ОПЕРАТИВНО- РОЗЫСКНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ И ЕГО ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ

Аннотация. В данной статье говорится о цели оперативно-розыскных мероприятий, порядке проведения оперативно-розыскных мероприятий в случаях, которые не могут быть задержаны, и его правовых основаниях, а также анализируются основания принятия или отклонения доказательств,

собранных в результате оперативно-розыскных мероприятий. В нем подробно проанализирован вопрос, связанный с необходимостью согласования с прокурором решения руководителя оперативно-розыскного органа о проведении оперативно-розыскных мероприятий, а в результате анализа вынесено предложение о необходимости дополнить Закон Республики Узбекистан "Об оперативно-розыскной деятельности" соответствующими.

Ключевые слова: оперативно-розыскных мероприятий, проверочная закупка, оперативное наблюдение, оперативное внедрение, операция под прикрытием, оперативный эксперимент, контролируемая поставка, контролируемое приобретение.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I2Y2024N37>

Тезкор — қидирув фаолияти жиноятларнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, содир этилган жиноятларни тез ва тўла очиш, суд-тергов органларида далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш, тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш, яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар томонидан олиб борилади.

Гарчи бундай фаолият ноошкора ва нопроцессуал характерга эга бўлса ҳам, у қонунийлик, шахсинг шаъни ва қадр — қимматини хурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси ва бошқа принципларга қати риоя қилинган ҳолда қонунчиликда назарда тутилган қоидалар асосида олиб борилиши шарт.

Тезкор-қидирув тадбирлари фуқаролар мурожаатлари асосида, тезкор фаолият билан бевосита шуғулланувчи органларга келиб тушган тезкор маълумотлар асосида, тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органлар томонидан тўпланган ҳужжатлар бўйича ўрганилган ҳолатлар юзасидан ва бошқа шу каби маълумотлар асосида ўтказилади.

Тезкор-қидирув тадбирларини қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Жумладан,

- тезкор-қидирув тадбирни ўтказиш учун рухсат (санкция) талаб қилинмайдиган тадбирлар;
- тезкор-қидирув органи раҳбарининг қарори билан прокурор санкцияси асосида ўтказиладиган тадбирлар;
- прокурор санкцияси асосида ўтказиладиган тадбирлар.

Ушбу ўринда тезкор-қидирув органи раҳбарининг қарори асосида ўтказиладиган тадбирларни текшириш учун харид қилиш, тезкор кузатув, тезкор киритиш, ниқобланган операция, тезкор эксперимент, назорат остида етказиб бериш ва назорат остида олиш кабилар ташкил этади.

Ушбу тадбир турларидан “назорат остида олиш” турига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасига кўра, **назорат остида олиш** деганда — ёлғондан битим тузишдан, яъни қонунчилик бузилиши фактини аниқлаш ва ҳужжатлаштириш учун товарларни, валюта қимматликларини, моддаларни ҳамда бошқа предметларни истеъмол қилиш ёки сотиш мақсадини кўзламасдан олишдан иборат бўлган тадбир тушунилади[4].

Ушбу тадбирнинг мақсади, жиноят белгилари тўғрисида дастлабки маълумотларни аниқлаш ва текшириш, қиёсий текшириш учун намуналар тўплаш,

жинойт фаолият билан шуғулланаётган, жиноят содир этишда иштирок этаётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва қайд этиш, жиноят содир этишда иштирок этган шахсларни аниқлаш ва жиноят устида қўлга олиш ҳисобланади.

Одатда **назорат остида олиш** тадбири гумонланувчиларнинг ҳаракатида жиноят таркиби аломатлари етарли бўлгандагина амалга оширилади, бошқа ҳолларда эса дастлабки текшириш учун харид қилиш тезкор қидирув тадбири ўтказилади ва бу сотувчига ошкор этилмайди[5].

Масалан, сифатсиз, қалбаки алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан қонунга зид равишда хуфиёна шуғулланаётган шахслар фаолияти ҳақида тезкор маълумотлар ёки мурожаатлар келиб тушганда ундаги кўрсатилган ҳолатларни ҳаққонийлигини текшириш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатини фош этиш мақсадида тезкор-қидирув тадбири ўтказилади. Яъни, маълумотда кўрсатилган шубҳа остига олинган объектда сотувчи мақоми остида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган шахсдан тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган шубҳали товарлар ёки хизматларни сотиб олиш мақсадини кўзламаган ҳолда намуна тарзида ҳақ эвазига харид қилинади.

Бундай тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор — қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни 16-моддаси 5-қисмида белгиланган қоидалар асосида ўтказилади. Унга кўра, текшириш учун харид қилиш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида прокурор билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилади[4].

Агар бундай тадбир прокурор билан келишилмаган ҳолда фақатгина тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг қарор асосида ўтказилса, юқорида қайд этилганидек, қонуннинг 16-моддасида белгиланган талаблар бузилган ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 19-моддасига мурожаат қиладиган бўлсак, унда 16-модда шартларига риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкинлиги қайд этилган[4].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Жиноят-процессуал кодекси”нинг 382-моддаси(Прокурорнинг ваколатлари) 16-қисмида прокурор тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат бериши қайд этилган[3].

Шу жиҳатдан, прокурор билан келишилмаган ҳолда фақатгина тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг қарор асосида ўтказилган тадбир натижасида тўпланган ҳужжатлар ва бошқа ашёвий далиллар далил сифатида эътироф этилмайди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси “Жиноят-процессуал кодекси”нинг 95-моддаси (Далилларга баҳо бериш) ва 95¹-модда(Далилларнинг мақбул эмаслиги)лари¹ асосида номақбул далил деб топилади ва фош этилган жиноят ушбу Кодекснинг 85-моддаси (Исбот қилиш) асосида гумон қилинувчининг айбини исботлашни истисно

¹Изоҳ: 95-модда. Далиллар белгиланган тартибда тўпланган бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

95¹ –модда. Агар фактик маълумотлар ЖПК талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

қилади. Оқибатда жиноят иши ушбу кодекснинг 83-моддаси (Реабилитация учун асослар) тартибида тугатилади[3].

Бироқ, бизнингча юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарлик сингари ҳолатлар бўйича кечиктириб бўлмайдиган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида прокурор билан олдиндан келишилмасдан тадбир ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Чунки, бу турдаги тадбирлар келиб тушган тезкор маълумотлар бўйича ўз вақти тезкор ҳаракат қилишни ва тадбир давомида ушбу маълумотнинг сир сақланишини таъминлаган ҳолда амалга оширилишни талаб қилади. Акс ҳолда, тезкор маълумотнинг ошкор бўлишига ва жиноят содир этишда гумонланаётган шахснинг жиноят изларини йўқотишига имкон бериб, гумонланувчининг воқеа жойидан яширинишига, жиноят воситаси ёки ашёлари ҳисобланган нарса-буюмларнинг йўқ қилинишига олиб келади.

Айнан шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 220-моддаси (**Ушлаб туриш мақсади**)га эътибор қаратадиган бўлсак, унда ушлаб туришнинг мақсадини қуйидагича изоҳлайди. Яъни, “ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиний фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборилишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир”[3]. Ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайтдан (эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларнинг ҳақиқий чекланган пайти) эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этади. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин(226-модда)[3]. Агар ушбу вақт оралиғида жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахснинг жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса, унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлмаса ёки уни қўллаш суд томонидан рад этилса, ушлаб туришнинг белгиланган муддати тугаган бўлса ва ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмаган ёхуд ЖПК 243-моддаси ўнинчи қисмининг 3-бандига мувофиқ ушлаб туриш муддати узайтирилмаган бўлса, озод қилинади (234-модда)[3]. Жиноят-процессуал кодексининг 226-моддасида белгиланган қонданнинг Конституциявий даражада мустақамлаб қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланган[1].

Дарҳақиқат, Конституция ва қонунларда бундай қоидаларнинг белгиланиши биринчидан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор юқорилигини кўрсатса, иккинчидан, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш кафолатини англатади. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 220, 226, 234-моддалари тажрибасидан келиб чиқиб[3], хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор — қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасини **“Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган тадбирларни тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи**

орган раҳбари кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ўз қарори билан ўтказиш лозим деб топса ва бу ҳақда тадбир ўтказиш тўғрисида қарор чиқарган вақтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида прокурорни хабардор қилса, прокурор билан келишилган ҳисобланади” мазмунидаги банд билан тўлдириш лозим.

Ушбу қонданинг жорий этилиши қуйидаги натижаларга эришишга хизмат қилади:

биринчидан, қонун бузилишининг барвақт олди олинишига;

иккинчидан, тезкор-қидирув тадбири натижаси бўйича тўпланган ҳужжатларни номақбул далил сифатида топилишининг олди олинишига;

учинчидан, баъзи нарса-буюмларнинг ноқонуний муомалага ёки истеъмолга киришининг барвақт олди олинишига;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарликка олиб келувчи сабаб ва омилларнинг ўз жойида аниқланиб, уларнинг келиб чиқишига яратилаётган шарт-шароитларнинг ўз вақтида олди олинишини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Янги Конституцияси. 2023 йил 30 апрель.
2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни. 27.04.2021 йил. ЎРҚ-687-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 01.04.1995. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор - қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сон қонуни. 25.12.2012 йил. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz>.
5. Каримов В, Хақбердиев А. Тезкор қидирув фаолияти. Ўқув қўлланма. ТДЮУ. 2020. – 211 б.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 2 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).